



QAROR

2003 йил «19» май

№ 447-8

Ер майдонлари ажратиш шартларида

Тумандаги Нуробод шаҳрида ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 11 апрелдаги 01-466 сонли хати ва Нуробод саноат коллежининг 2003 йил 13 мартдаги №19 сонли хатларини куриб чикиб

КАРОР КИЛАМАН:

1. Туман Давлат солиқ инспекциясига маъмурий бино сифатида фойдаланишга берилган Нуробод шаҳар Мустақиллик кучасида жойлашган бино атрофидан қушимча 2,03 га ва Нуробод саноат коллежига ётокхона сифатида фойдаланишга берилган Нуробод шаҳар Мустақиллик кучасида жойлашган бино атрофидан қушимча 0,06 га ер майдони ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларини бажариш учун майдонда қушимча қурилиш ишларини амалга оширмаслик шарти билан ажратиб берилсин.

2. Туман бош меъмори Р.Файзиевга ажратилган ер майдонларини аниқлаб бериш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари Л.Орипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

И.Ч.Азимов